

*Хожа Самандар Термизий*

**ДАСТУР  
УЛ—МУЛУК**

*Подшоҳлар устун дастур*

**ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ**

# **ДАСТУР УЛ-МУЛУК**

**ПОДШОҲЛАР УЧУН ДАСТУР**

*Тулдирилган иккинчи наشري*

*Форс-тожик тилидан эркин таржима, сўз боши,  
тадқиқот, ҳикоялар, изоҳлар муаллифи*

**ЖАББОР ЭСОНОВ**

**«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2001**

*Ушбу китобни ҳурматли Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ақли ва тафаккури билан бунёд этилган мустақил Ўзбекистон Республикасининг 10 йиллигига, қадимий ва навқирон Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига ва 2000 йил 25 сентябрда Сариосиё тоғларида террористлар билан бўлган жангда мардларча ҳалок бўлган ўғлим Акбаржон Эсоновнинг руҳи покларига бағишлайман.*

**ЖАББОР ЭСОНОВ.**

**М а с ъ у л м у ҳ а р р и р :**  
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги  
**БЎРИБОЙ АҲМЕДОВ**

**Т а қ р и з ч и л а р :**

*филология фанлари доктори, профессор САИДБЕК ҲАСАНОВ,  
филология фанлари доктори, профессор АҲМАД АБДУЛЛАЕВ,  
филология фанлари доктори, профессор ҚУДРАТ ЖУРАЕВ,  
филология фанлари номзоди, доцент БОБОНАЗАР МУРТАЗОЕВ*

**Шарқ** мумтоз педагогикаси ва жангномасининг ажойиб намунаси бўлган Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асарининг Жаббор Эсонов томонидан тадқиқ этилган, тўлдирилган иккинчи нашри талабларга кўра форс-тожик тилидан эркин таржима-си, сўзбоши, изоҳлари билан китобхонларга тақдим этилмоқда.

Тарихимизни, анъанавий этикамизни, замон руҳиятини янада чуқур ўрганишда, шарқона давлат юритиш тамойиллари моҳиятини англаб етишда ушбу китоб муҳим аҳамият касб этади.

© Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,  
1997 йил

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2001 йил

«Мамлакатимизда амалда давлат бошқаруви тизими ташкил топди. Давлатимизда қонун чиқарувчи олий орган — Олий Мажлис бор, сайлаб қўйилган маҳаллий ваколатли органлар — Кенгашлар бор, Президент бор, Бош вазир бор, Бош вазир ўринбосари бор, тегишли ваколатга эга бўлган вазирлар ва маҳкамалар раҳбарлари бор. Табиийки, ана шу тизимнинг ҳаммаси, ундаги ҳар бир ҳокимият тизилмаси ўз вазифаларини аниқ бажариши ва ягона пировард мақсади — халқ иродаси ва умидларини рўёбга чиқаришни кўзлаб ишлаш керак.

Тўрачилик, ўз вазифасига совуққонлик билан қараш, порага сотилиш ҳоллари бу тизим асосларига нечоғли зарар етказмоқда?»

**ИСЛОМ КАРИМОВ**

«Азизим, Оллоҳ амалдорларга давлатни бошқариш учун қулай вазият яратди, тақдир чангали-панжалари улар учун улуғлик чодирини, бахт кошонасини қурди. Бундоқ қулай бир пайтда барча амалдорлар шундай улуғ, азим ишлар қилишлари керакки, у халққа осойишталик, фаровонлик, дину-иймонга шон-шараф келтирсин. Дунёвий ҳаётни, маънавиятни тарғиб этишга хизмат қилсин. Уларнинг тириклигида амалга оширган шу улкан, ажойиб ишлари ўлганларидан кейин ҳам гуноҳларини ювишга сабаб бўлсин»...

«Азизим, давлатнинг ҳалокати, емирилиши паст, очкўз кишиларнинг мансаб шоҳсупасига кўтарилишидан бошланади...»

**ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ**



## МАЪНАВИЯТ ДАСТУРИ

Хурматли Президентимиз Ислом Каримов маънави-  
ятимизни қуйидагича таърифлайди: «Маънавият узлук-  
сиз ҳаракатдаги жараёнدير. Фикр, тафаккур, ҳис-туйғу  
тиним билмаганидек, уларнинг маҳсули ўлароқ маъна-  
вият ҳам доимо ўзгариш ва ривожланишда бўлади. Маъ-  
навият деганда авваламбор одамнинг руҳан поклигига  
қалбан улғайишига чорлайдиган инсон ички дунёсини,  
идрокини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қилади-  
ган, виждонини уйғотадиган кучни тасаввур қиламан».  
Ҳа, бу гап, ҳаёт синовларидан ўтган теран фикр.

Истиқлол туфайли ўзлимизни англай бошладик,  
ҳаётимиз, фикримиз, дунёқарашимиз ўзгарди. Шунга  
яраша тушунчаларимиз ҳам янгиланди: Миллий ғоя,  
миллий мафкура, комил инсон тарбияси давримиз-  
нинг долзарб вазифасига айланди. Ота-боболаримиз аср-  
лар давомида яратган, бешафқат давр синовларидан  
омон қолган иймонни мустаҳкам, бақувват этувчи, ко-  
мил инсон хусусида ёзилган ахлоқий, диний, илмий  
ва дидактик асарларни ўрганиш ҳам давлат сиёсати  
даражасига кўгарилди.

Мустақилликнинг самараси сифатида дунё юзини  
қўрган ана шундай асарлардан бири Хожа Самандар  
Термизийнинг «Дастур ул-мулук» («Подшоҳлар учун  
дастур») китобидир. Мазкур асар Жаббор Эсонов то-  
монидан форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима  
қилиниб, 1997 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт  
ва санъат нашриётида чоп этилди ва тез орада қўлма-  
қўл бўлиб сотилиб кетди. Термиз шаҳрининг 2500 йил-  
лиги оядида асарни қайта нашр этиш эҳтиёжи туғилган-  
ни боис Жаббор Эсонов унинг иккинчи, тўлғазилган  
нусхасини нашрга тайёрлади.

22 фаслдан иборат бу асарда давлагни бошқариш  
қоидалари, одил подшоҳларга хос сифатлар, зolim  
подшоҳларнинг қора тунга монанд кирдикорлари, на-  
зоратчилар, ҳокимлар, мансаб соҳибларининг хатти-  
ҳаракатлари, вазифалари, Ватан қўриқчиларининг жа-

сорати, ўзбек жангчиларининг довжураклиги, уларга бўлган муносабат, мулозимлар танлаш ва уларни сақлаш, вазир, элчиларнинг қандай хусусиятларга эга бўлиши, душман билан қандай муносабатда бўлиш, уни мавҳ этиш учун дадил ҳаракат қилиш, одам фаолиятининг тарозиси бўлган ақл, ахлоқ-одоб иймон хусусида, ғийбат, хусумат, ғазаб, таъмагирлик, ришватга ҳирс кўйиш, худнамолик, мансабпарастлик, сўзга, динга бўлган эътибор, ишқ масаласи, касб-ҳунар эгаллаш, иқтидорли ёшларни тарбиялаш, сафарда бўлиш ва сафарни ман этишнинг моҳияти, қарияларнинг ёшларга насиҳати, сабр, маслаҳат, кенгашнинг фойдаси, шошқалоқликнинг зарари, бозор иқтисоди, талбиркорликка амал қилмаган кишиларнинг аҳволи — умуман комил инсон тарбиясига хос бўлган барча ҳаётий муаммолар китобхон эътиборини ўзига жалб этадиган жозибали бир услубда ёритилган.

Асарнинг учдан икки қисми тарихий воқеаларга оид. Унда ҳали жуда кам ўрганилган Аштархонийлар сулоласидаги ички ва ташқи зиддиятлар ҳам баён этилган. Бинобарин, асар мазкур даврни талқин этишда муҳим аҳамият касб этади.

Самандар Термизий ўз асарини «Дастур ул-мулук» («Подшоҳлар учун дастур») деб номлаган бўлсада, барча замонларнинг раҳбарлари-ю ҳокимлари учун бир маънавий қўлланма вазифасини бажаради. «Азизим, — дейди Хожа мансаб курсида ўтирганларга қарата, — Аллоҳ амалдорларга давлатни бошқариш учун қулай вазият ярағди, тақдир чангали — панжалари улар учун улуғлик чодирини, бахт кошонасини қурди. Бундоқ қулай бир пайтда барча амалдорлар шундай улуғ, азим ишлар қилиши керакки, у халққа осойишталик, фаровонлик, дину иймонга шон-шараф келтирсин. Дунёвий ҳаётни, маънавиятни тарғиб этишга хизмат қилсин. Уларнинг тириклигида амалга оширган шу улкан, ажойиб ишлари ўлганларидан кейин ҳам гуноҳларини ювишга сабаб бўлсин».

Хожа жасорат, ватанпарварлик, Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ҳикматларида ҳам, бошқалардан фарқли ўлароқ, ўзига хос гўзал услубни қўллайди. «Азизим, — дейди Хожа, — зудлик билан жангга кириб, оловкор шамширининг суви билан ёмон ниятли рақибнинг номини ҳаёт лавҳасидан ювиб ташлаган, душманларнинг олазарақ кўзларини зафар тоши билан ўйиб (кўр қилиб), мурод пиёласи лабидан май ичган, давр-

нинг номдор, шижоатли баҳодирларигина мамлакат келинчагини ўз бағрига босишга ҳақлидир».

Асардаги ҳунар ўрганиш ва қобилиятли, иқтидорли ёшларни тарбиялаш ҳақидаги ҳикматлар бугунги кунда ҳам, айниқса, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга оширишда ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. «Азизим, — дейди Хожа, — ҳунар аҳлини тарбиялашга саъй-ҳаракат қилгин. Одамнинг кимлиги отасининг шуҳрати билан эмас, балки ўз қобилияти, ҳунари билан белгиланади».

Шарқ мумтоз адабиёти ҳамиша бозор иқтисодиёти, тадбиркорликни кенг ёритиб берган. Хожа ҳам бу ҳаётий, муҳим масалага одамлар диққатини жалб этади. Бинобарин, у ёзади: «Азизим, ақлсиз, нодон киши деб ўз умрининг бебаҳо жавоҳирларини ўйламай сочган, қимматбаҳо тошлардан олинган сурмани ўз юраги, кўзига суртиб равшанлантира олмаган, молини гаровга қўйишни билса ҳам, бироқ унинг фойда ёки зарарини англаб етолмаганидан қаллоблар уя қўйган замоннинг Чорсу бозорига олиб чиққан одамларни айтадилар».

Асардаги сафар ва сафарни ман этиш қарияларни ёшларга насиҳати фаслларида баён этилган фикр-мулоҳазалар ҳам ёшларни миллий ғоя, миллий мафкура ва иймонли, эътиқодли қилиб тарбиялашда ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Жаббор Эсонов томонидан тадқиқ этилган Хожа Самандар Термизийнинг ҳаёти ва фаолияти, «Дастур ул-мулук» асарининг ўрганилиш тарихи, асл моҳияти, ғояси, образлари, бадиий хусусияти, айниқса тарихий воқеаларнинг таҳлилига бағишланган қисми мустақил реал бир тадқиқот бўлиб, ёшларни илмий, ахлоқий, ва маънавий камолоти учун бир ибрат вазифасини ўтайди. Умуман, комил инсоннинг тарбиясига бағишланган мазкур асардаги рамзий маънога эга бўлган, юқорида ўтилган ҳар бир ҳикмат, ҳурматли саркоримиз Ислам Каримовнинг асарлари, нутқларининг шарқона моҳиятини халқ, хусусан, ёшлар ўртасида тарғиб қилишда катта аҳамият касб этади. Зеро, Президентимизнинг ҳикматмонанд нутқлари Хожанинг ҳикматларини нурлантириб, унинг таъсирини яна ҳам кучайтиради.

Хуллас, Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» асари асл мазмун моҳияти ва мавзуси жиҳатидан давлатни бошқариш, ёшларни иймонли, эътиқод-



ли, ҳалол, меҳнатсевар, ватанпарвар қилиб тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Хожанинг ҳаёт йўли унинг руҳиятидаги поклик, маънавий ҳаётга бўлган муносабати ҳам ёшлар учун намуна бўлади. Унинг китоби юрт бошида турганлар ҳамда педагог — ўқитувчилар, Ички ишлар Вазирлиги ходимлари учун бир дастур эканлигини ҳисобга олиб, маънавиятимиз, миллий ғоямиз ва миллий мафкурамизни ёшлар орасида тарғиб этишга қаратилган машғулотларда ундан бир қўлланма сифатида фойдаланиш жоиздир деб ҳисоблаймиз.

*Сайфумма ТУРСУНОВ,  
тарих фанлари доктори,  
профессор*

*Барча ватандошларимизга мурожаат қиламан: бугун ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, маънавиятимиз ва маданиятимизни унутмайлик!*

*Ислом КАРИМОВ*

## СЎЗБОШИ

### ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ

XVII асрнинг 30-йилларида туғилиб, XVIII асрнинг 30-йилларигача яшаб, 100 йилдан ортиқроқ умр кўрган, замондошлари Мирзо Юсуф ва Малехо Самарқандий томонидан оловқалб, ўткир тилли адиб деб таърифланган Хожа Самандар Муҳаммад ибн Бақо Термизий ўз замонасида маънавият дастурини тарғиб этган таниқли алломаларидан бири бўлган. Зотан, унинг тахаллуси бўлган Самандар тушунчаси ҳам унинг руҳиятига монанд эканлигидан далолат беради. Унинг замондошлари адибни афсоналарда олов ичида туғилиб, олов ичида яшаган самандарга ўхшатадилар. Ҳақиқатдан адибнинг «Дастур-ул-мулук» («Подшоҳлар учун дастур») асарини ўқир эканмиз, унинг оловманд руҳият соҳиби, маънавият тарғиботчиси эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

У ҳижрий 1107, мелодий 1695 йилда ёзилган «Дастур-ул-мулук» асарининг хотимасида шундай деб ёзган эди: «Илтимосим шуки, агар ўзининг гўзал, дилбар мазмуни билан ҳамманинг назарида жилва қила олса ва бунинг шоҳиди бўлган одам бутун жони, дили билан уни кўришга ва ўқишга ҳавас қилса, уни ўқишга рағбат уйғота олса, асар муаллифини «Қуръон»нинг онаси — ёқимли «Фотиҳа» сурасини ўқиб ёд этинглар».

Саркоримиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ақли, тафаккури билан Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач, «Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ аждоқларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва адабий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоят муҳим вазифа бўлиб қолади»<sup>1</sup>. Ана шу сиёсатнинг натижаси ўлароқ Хожа Са-

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент. «Ўзбекистон», 1997.*



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/oz/asar/4287> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/4287> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4287>